# Ошкоралик руҳида

Жамиятимизда кечаётган қайта қуриш жараёнининг боришини ва бу жараённи янада чуқурлаштириш масалаларини муҳокама этган Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ижтимоий ҳаётимизга янги бир куч олиб кирди. Конференция резолюциялари қайта қуришни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишларини белгилаб берди. Эндиликда жамиятнинг барча соҳаларини, ижтимоий ҳаётни, экономикани, ошкоралик ва демократияни, партия турмушини, Советлар фаолиятини қайта қуриш тақдири ҳамманинг ва ҳар бир кишининг конкрет ишига, қайта қуришга муносабатига бевосита боғлиқ бўлиб қолди.

Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитети ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбатига корхонанинг партия, касаба союз, комсомол, жамоат ташкилотлари вакиллари, ишчи-хизматчилар таклиф этилди. Давра суҳбати қатнашчиларининг асосий эътибори Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси иши якунлари ва конференция резолюциялари муҳокамаси ҳамда уни ҳаётга тадбиқ этиш масалаларига қаратилди.

Давра суҳбатида иштирок этган Ўзбекистон Компартияси Фрунзе район комитетининг ташкилий бўлими мудири А. А. Усмонов Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тутган роли ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтди.

— Қирқ етти йиллик узилишдан сўнг Бутуниттифоқ партия конференцияси чақирилишининг ўзи муҳим сиёсий воқеа бўлди. Муҳими конференциянинг бориши, ундаги фикрларнинг ўткир тўқнашуви, том маънодаги ошкоралик ва демократия совет жамиятининг юксалиш сари дадил қадам ташлаганини кўрсатиб берди, — деди А. А. Усмонов. — Эндиликда қайта қуришнинг муваффақияти ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир коммунистнинг мустаҳкам партиявий позициясига, қайта қуришга муносабати ва унга қўшган реал, конкрет ишига боғлиқдир.

Шу ўринда мен яқин кунларда бошланадиган партгруппалар, цех ва бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов мажлисларига эътиборингизни қаратмоқчиман. Ҳолбуки, қуйи партия ташкилотлари, коммунистлар жойларда қайта қуришнинг авангард кучидир. Ҳисобот-сайлов мажлисларига жиддий тайёргарлик кўриш, уни ошкоралик, демократия руҳида ўтказиш, кўп номзодлилик ва ички партиявий демократияга, принципиалликка қатъий риоя қилиш қайта қуришнинг боришига мустаҳкам замин яратиб беради. Мазкур суҳбат чоғида ҳисобот-сайлов мажлисларини ўтказиш хусусида фикрлашиб оламиз, деб ўйлайман.

Корхона партия комитети секретари У. С. Султонова Бутуниттифоқ партия конференцияси резолюцияларига эътиборни қаратди.

— Конференция резолюциялари ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча энг муҳим соҳаларини қамраб олганлиги диққатга сазовордир, — деб таъкидлади У. С. Султонова. — Конференция якунига бағишланган қуйи партия ташкилотлари йиғилишларида коммунистлар қайта қуришнинг энг муҳим омиллари — ошкоралик ва демократия ҳақида, сиёсий системани ислоҳ қилиш ва бюрократизмга қарши кураш, миллатлараро муносабатлар ва ҳуқуқий ислоҳ ҳақида тегишли хулосалар ясалганини қайд этишди.

Конференция қайта қуриш жараёни жамиятимизнинг барча соҳаларига дадил кириб бораётганини кўрсатди. Ошкоралик ва демократия корхона ҳаётига ҳам сингиб бормоқда. Бугунга қадар ўнлаб раҳбарлар, айниқса ўрта бўғин раҳбарлари меҳнат коллективлари томонидан сайлаб қўйилган. Корхона касаба союзлари комитети раислиги лавозимига сайлов ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бугунга қадар тўрт киши даъвогарлик учун ариза берган.

Аммо корхонада қайта қуриш жараёни кўнгилдагидек боряпти, деб бўлмайди. Корхона экономикасини интенсив изга солиш суст бормоқда, ҳали ҳам маҳсулот таннархи бўйича ортиқча сарфга йўл қўйилмоқда. Маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан туб бурилиш ясалмади.

Конференциянинг совет жамиятини демократиялаш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш хусусидаги резолюциясида партия ва совет органлари олдидаги қатор муҳим ташкилий-сиёсий вазифаларни ҳал этиш лозимлиги таъкидланди. Бу вазифаларни ошкоралик ва демократия руҳида амалга ошириш ҳар бир партия ташкилоти ва ҳар бир коммунистнинг бурчидир.

— Мен корхонада ўн саккиз йилдан буён ишлайман, — дея суҳбатга қўшилади учинчи фабрика ишчиси, тараш цехи партия ташкилоти секретари Н. А. Крилова. — Партия мажлислари ҳақида фикрлашмоқчи эдим. Мажлисларда президиум сайланади. Аслида ишчи президиуми деб аталса-да, мажлисни олиб борувчилар ва бошқа президиум аъзолари тўрда «савлат тўкиб» ўтиришдан бошқа иш қилишмайди.

Бундан ташқари, мажлис силлиққина, (тайёрланган бир неча нотиқ нутқини тинглаш), аввалдан белгиланган тартибда, коммунистлар пассивлигида ўтади, ҳатто мажлис қарори ҳам тайёрлаб қўйилади. Ҳолбуки, сайланган ишчи президиуми аъзолари ишлаши, коммунистларнинг таклиф-мулоҳазалари, танқидий фикрлари асосида, партия конференциясида бўлгани каби, мажлис резолюциясини шу ернинг ўзида тайёрлаши керак. Мен номигагина президиум сайлаш практикасидан воз кечишни, бўлажак ҳисобот мажлисларида ҳақиқий ишчи президиуми сайлаш ва уларнинг иши асосида тегишли қарорлар қабул қилишни амалда қўллашни таклиф қиламан. Бу коммунистлар активлигини ошириш, мажлисларнинг ишчан, демократик руҳда ўтишини таъминлайди.

Суҳбатга қўшилган Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегати Валентина Эргашева ўз таассуротлари билан ўртоқлашди:

— Айниқса, конференция ишининг учинчи ва тўртинчи кунлари ниҳоятда қизғин, мунозарали ва самарали ўтди. Хусусан, Совет хотин-қизлари комитетининг раиси З. П. Пухованинг нутқи менда катта таассурот қолдирди. Ҳақиқатан ҳам хотин-қизларнинг меҳнати ва турмуш шароити, мамлакатимизда, жумладан корхонамизда ҳам, кўнгилдагидек ташкил этилмаганлиги ҳаммага маълум. Ҳозир айни саратон. Корхона цехларидаги температура, намлик режими талабга умуман жавоб бермайди. Баъзи цехларда ҳарорат 40—42 даражага кўтарилмоқда. Бундай шароитда ишчидан юксак унумдорлик билан ишлашни талаб этишнинг ўзи ноқулай. Партия, совет ва жамоат ташкилотлари ишчи омили ҳақида амалий ғамхўрлик қиладиган вақт аллақачон етган...

Валентина Эргашева йиғилганларнинг Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси хусусидаги кўпгина саволларига жавоб берди.

Коммунистчасига принципиаллик, ошкоралик руҳида ўтган давра суҳбатида биринчи фабрика ишчиси, партгруппорг Г. Жўраев, иккинчи йигирув-тўқув фабрикаси директори Ў. А. Акбаров, механика заводи ишчиси М. Шакуров, ип-йигирув фабрикаси бошқармаси партия ташкилоти секретари С. Охунова, коммерция ишлари бўйича корхона бош директори ўринбосари А. И. Икромов ва бошқа ўртоқлар актив иштирок этишди.

Давра суҳбати қатнашчилари бундай тадбирни мунтазам ўтказиб туриш мақсадга мувофиқлигини, бу эса ўз навбатида партия ташкилотлари, коммунистларнинг активлигини оширишга кўмаклашувини таъкидлашди.

Ҳ. САЙДУЛЛАЕВ.

# Ечимини кутаётган муаммолар

2-трамвай депосининг янги биноси ва территорияси шаҳримизнинг ҳозирги Ғафур Ғулом кўчаси жанубидаги 15 гектарча майдонни эгаллаган. Трамвайларнинг эркин ҳаракат қилиши учун депода 28 та кесма йўл бор. Ишчилар меҳнатини енгиллаштириш учун кўпгина станоклар, ускуналар ўрнатилган. Депонинг янги биносида душхона, ечиниш-кийиниш хонаси, ошхона, медпункт борлиги одамлар кайфиятини кўтармоқда. Яқинда чойхонани ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Бироқ, трамвайчилар 2-депо объекти қурилишини ўн беш йилга яқин муддатга чўзиб юборган. «Главташкентстрой»нинг қурилиш ташкилотлари ишидан унча ҳурсанд эмаслар. Пландаги 6 миллион 212 минг сўмлик ўрнига 4 миллион 300 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилган ҳолда қабул қилиб олинган депо объектининг чала ишлари ҳали кўп бўлиб, уларни депода ўз кучлари билан бажаришга тўғри келмоқда ва бу кўпгина қийинчиликларни вужудга келтирмоқда. Шу боисдан ҳам ўтган йилнинг 1 августидан ишлай бошлаган депо шу пайтгача ҳам балансга қабул қилинмаган.

Шунга қарамай, салкам 800 кишилик депо коллективи астойдил меҳнат қилиб ва мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, пассажирлар ташиш планининг бажарилишини таъминлаб келмоқда. Ҳар куни 102 трамвай вагони линияга чиқарилмоқда.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси йилида депо коллективи социалистик мусобақани авж олдириб, ўз зиммасига юксак мажбуриятлар қабул қилди: планга қўшимча равишда 30 минг пассажир ташилади. Маршрутларда ҳаракат мунтазамлиги 95 процентга етказилади. 35 рационализаторлик таклифи киритилиб, 27 таси жорий этилади ва бундан 13 минг сўмлик иқтисодий самара слинади. Ўз аҳдига содиқ депо коллективи кундан-кун жадал меҳнат қилиб, барча кўрсаткичлар бўйича ойлик топшириқларини ортиғи билан адо этмоқда.

Меҳнат ютуқларини қўлга киритишда депо коллективига омилкорлик билан иш тутиш, прогрессив иш усулларини қўллаш ёрдам бераётир. Депо муваффақиятларида бригада пудратида ишлашнинг шарофати сезилмоқда. Ўтган йилнинг 26 декабридан бошлаб еттита маршрут бўйича (тўртинчи, еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи, ўн биринчи, ўн бешинчи, ўн еттинчи трамвай маршрутлари бўйича) етти бригада шу йилнинг 1 июнидан бошлаб эса олдиндан планлаштирилган ремонт участкасида, битта бригада ва 4 та звено пудрат усулида ишлашга ўтди. Янги усулда меҳнат қилаётган коллективларнинг шашти баланд, чунки энди ҳамма жон куйдириб ишлаётир—планни бажариш керак-да, ахир! Бусиз мукофот бўладими?

7-маршрут мураббийси Ғаффор Тўрақулов, бригадир, КПСС аъзоси Юрий Марченко, ҳайдовчи, Ҳурмат Белгиси ордени нишондори Ҳаким Содиқхўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, ҳайдовчи Татьяна Марченко, мастер Роман Ли, 17-маршрут мураббийси Баҳтиёр Бобоев ҳалол, виждонан меҳнат қилиб, коллективда пешқадамлик қилаяптилар, ҳайдовчилик сирларини ёшларга ўргатаяптилар, жамоат ишларида ҳам актив қатнашяптилар.

Ҳаракатдаги состав ремонти участкасида токарлар, слесарлар, темирчи ва электрчилар — жами 25 киши меҳнат қилади. Участка бошлиғи Владимир Журавлев ремонтчиларни план топшириқларини бажаришга, вагонларни сифатли ремонтдан чиқаришга сафарбар этмоқда. Бу коллективга ремонт қилиш сирларини пухта эгаллаш, меҳнат интизомига риоя қилиш, илғор усулларни қўлланиш сингари фазилатлар хосдир. Шу боисдан ҳам участка коллективи ҳар ойда бештадан вагонни поли, ўриндиқларидан то кузовигача тўла ремонтдан чиқаришдан иборат топшириқларни муваффақиятли уддалаётир. Ш. Тоҳиров, Н. Мустафина, В. Леонов—Кондратьев каби ремонтчилар планларини ошириб бажариб, бошқаларга намуна бўляптилар.

Бригада пудрати усулида ишлаётган коллективларда ҳамманинг ва ҳар бир кишининг масъулияти кучайиб, умумий ишдан манфаати ошаяпти. Прогуллар, меҳнат интизомини бошқа хил бузишлар кескин камайди. Ахир, кимнинг ёмон гап эшитгиси, мукофот пулидан маҳрум бўлгиси келарди? Лекин онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Масалан шу йил 8-маршрут ҳайдовчилари Йўлдошев ва Эшмуҳамедов меҳнат интизомини бузганликлари учун бригада советида муҳокама қилиндилар. Уларнинг меҳнатда иштироки коэффициенти 0,2 га туширилди. Бундай қаттиққўллик билан ишни баҳолаш пудрат усули шароитида зарур бўлиб, маънавий-аҳлоқий омил ҳамдир.

Келгуси йилдан депо коллективи тўла хўжалик ҳисобига, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтишни мўлжалламоқда. Шу муносабат билан депо ишчиларига лозим даражадаги меҳнат ва турмуш шарт-шароитларини яратиб бериш соҳасида бирмунча жиддий муаммолар мавжудлиги тобора яққолроқ сезилмоқда.

Депода 156 та трамвай вагони бўлиб, шундан 138 таси эски типдаги РВС маркали вагонлардир. Шундай экан, уларни ўз вақтида сифатли ремонт қилиб йўлга чиқариш учун депога анча моддий-техникавий мадад лозим бўлади. Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси эса шу кун талаблари даражасида моддий-техникавий жиҳатдан таъминланмаётир.

Кадрлар масаласи ҳам ҳамон ўткир муаммолигича қолаётир. Депода 40 нафар ҳайдовчи ва салкам 50 нафар ремонтчи етишмаётир. Кадрлар масаласи бошқа муҳим масала — уй-жой билан таъминлаш масаласи билан чамбарчас боғлиқдир. Депонинг салкам 60 кишиси уй-жойга навбатда туришибди.

— Мен депога Юнусободдан 3-4 транспортга тушиб, базўр етиб келаман,— дейди слесарь Аминжон Қаюмов. — Гоҳо яқинроқ жойга ишга ўтсаммикин, деб ўйлаб қоламану, ўз коллективимдан ажралгим келмайди.

Айрим ишчилар эса, депо узоқлик қилиб бўшаб кетишяпти. Яқин орада 6 киши ишдан бўшади. Ишчиларга, айниқса ҳайдовчиларга соат олтида Ғафур Ғулом кўчасига шаҳарнинг нариги томонида жойлашган Оҳангарон шоссеси, Қўйлиқ массиви, Қорақамиш массивидан етиб келиш учун қанча вақт кетишини бир тасаввур қилиб кўринг-а.

Бу муаммоларнинг тезроқ ҳал этилиши депо коллективига шаҳримиз меҳнаткашларига янада яхшироқ, маданий хизмат кўрсатишда кўмаклашган бўларди, албатта.

С. НИШОНБОЕВ.

# Бахти баркамол аёл

Йўлакда турган нав-ниҳол қиз Карима опанинг эътиборини тортди.

— Кел, болам. Кимни кутаяпсан? — деди унинг ёнига бориб.

— Шу ерда ишласам деб келгандим, — қизнинг юзларида табассум жилва қилди. — Олишармикан?

— Бўлмасамчи, — опа Эътиборни қўлидан етаклаб цехга бошлади. — Олишмаса ўзим оламан. Чеварликка кўпдан буён қизиқасанми?...

— Ҳа, тўгаракда ҳам қатнашганман.

— Жуда соз. Айни дидимга мос экансан.

Зум ўтмай ишчи формасига кирган Карима опани қиз таниёлмай қолди. Моҳир чевар Эътиборни ёнига олиб тикув машинасида бажариладиган операцияларни, қилинадиган ишларни тушунтира кетди. Тикувчиларнинг муҳим вазифаларини ҳам яшириб ўтирмади:

—Энг муҳими сифатни унутмаслик керак. Бу бизнинг ишимизда ниҳоятда зарур. Ахир маҳсулотларимизни шартнома баҳолари бўйича савдо пештахталарига етказиб берамиз-а.

Эътибор бош ирғаб қўйди. Карима опадаги меҳри дарёлик, илиқлик унга маъқул тушганди. Кейинчалик билса «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг биринчи филиалида Карима Комиловани ҳамма бирдек қадрлар экан. Қолаверса, ветеран тикувчининг шогирдлари филиалда кўп эди. 17 йилдан буён корхонада ҳалол ишлаб келаётган бахти баркамол бу аёл ёш тикувчи Эътибор Тешабоевага чеварчилик касби сирларини қунт билан ўргатди. Зарур ёрдамини аямади. Орадан бир йил ўтгач Эътибор яхшигина тикувчи бўлиб етишди. Ҳозир у устози билан ёнма-ён ишлаб топшириқларни ошириб бажараяпти.

А. РУСТАМОВ.



СУРАТДА: ветеран чевар Карима Комилова шогирди Эътибор Тешабоевага янги операцияни ўргатмоқда.

Т. Каримов фотоси.

Пештахтанинг икки томони

# Чириган олма можароси

— «Ҳали шунақамми?» — деди сотувчи ва савдо қилишни тўхтатиб қўйди. У ғазабланар эди. Ҳозиргина 3 кило олма сотиб олган харидор уни яна торозига қўйди... Бу эса, табиийки, сотувчининг иззат-нафсини ўртаб юборди: «Ишонмадингми?» — унинг кўзлари жовдирарди, эҳтимол, шу тобда, ўз торозисидан ҳам хафа бўлгандир: торози мили сотиб олинган олма 300 грамм кам эканлигини кўрсатиб турарди. Айни вақтда қайсар харидор тўрхалтасини ағдариб, ўнлаб чириган ва хом олмаларни олиб ташларди. Сотувчининг яна жони чиқди: «Сен шунақамисан?!» — у овозини баланд қўйиб, ҳамма эшитсин дегандек, аёл харидорнинг ким эканлигини тушунтирди-да, ҳамманглар эртага келинглар, деди.

Навбатда турганлар уни тинчитишга уринишар, инсофга чақиришарди. Кеч соат 7 лар эди. Одамлар ишдан сўнг мева-чева харид қилишни мўлжаллашган эди.

Шу пайт сотувчининг ёнига ёш йигитлар — экспедиторлар ва юк ташувчилар етиб келишди ва шоша-пиша яшикларни машинага орта бошлашди. Аёллар эса ҳақоратомуз сўзларни эшитмаганга олиб бу бақувват, ўзига ишонган йигитдан: «Келинг, қўйинг, илтимос!» — дея илтижо қилишарди...

Шунда мен навбатда турган кишиларни гиж-гижлагандек: «Олма топилиб қолар, лекин келинглар, тартиб ўрнатайлик», — дедим. Навбатда турганлар бирдан ғовур-ғувур қилиб қолишди: «Қани, бир уриниб кўрингчи!»

Бирор иш чиқишига кўзи етмаса ҳам бир неча киши менинг таклифимга рози бўлишди. Ҳар эҳтимолга қарши гувоҳлик беришга тўғри келиб қолса, деб менга адресларини ҳам беришди. Ана буларни жасур кишилар деса бўлади! Чунки улар эртага яна ана шу сотувчининг олдига келишлари керак... Энг ажабланарли жойи шундаки, менга гувоҳларсиз ҳам ишонишди.

Эртасига, телефон қилганимдан сўнг 15 минут ўтгач, воқеа содир бўлган ерга, Инқилоб хиёбони яқинидаги Куйбишев кўчасига Ҳамза район мева-сабзавот улгуржи-чакана савдо комбинатининг масъул ходимлари етиб келишди. Улар кеча содир бўлган воқеа учун шу зумдаёқ кечирим сўрадилар ва ўша дўкончини бўшатишга тайёр эканликларини айтдилар.

— У илгари жазо олганмиди?

— Билмаймиз. Барибир ишдан бўшатамиз, токи бошқаларга ўрнак бўлсин!

Шунда харидорларни хафа қилган йигитни ҳимоя қилишга тўғри келди.

— Қонунга риоя қилинса бўлармиди?

— Нима, сиз уни ишдан бўшатманг, демоқчимисиз?

Мана уларнинг онги. Ёш сотувчи ярим йилдан бери харидорларни мазах қилиб келган, уни ҳеч ким тартибга чақирмаган, жазоламаган ҳам. Энди эса унинг тақдирини зудлик билан ҳал этишмоқчи. Жанжални бостириб қўйишса бўлгани. У ёғи бир гап бўлар. Дўкончи йигит эса хотиржам. Бошлиқларининг: «Харидорларни алдаганинг алдаган, қўполлик қилганинг нимаси?!» деган киноячларига елкасини қисиб қўярди, холос.

— Биз газеталарда миллион-миллион сўмларни ўзлаштирган қаллоблар ҳақидаги хабарларни ўқиб, албатта, ғазабланамиз. Шунинг учун ҳам тийинга хиёнат қилганларни дарҳол кечириб юбораверамиз. Қаранг, харидорнинг ҳақидан 300 грамм уриб қолган бизнинг дўкончи 14,1 тийинни чўнтагига урди. Фақат ўзининг чўнтагигами? Бу алоҳида масала. Майдалашиб ўтиришнинг ҳожати борми? Тийинга ҳам жанжал қиладими киши? ...Бироқ сотувчи бир ярим тонна олмани тушириб олгач, нима қилишини ўзи билади. У ҳар биримиздан 10 процентдан уриб қолади. Бир ярим тонна олманинг 150 килограмми унинг ўзиники. Олманинг бир килоси 47 тийин туради. Энди ўзингиз ҳисоблаб кўринг: 7050 тийин! 70,5 сўм. Академиклар ҳам бир кунда шунча пул топиша олмайди!

Баъзи сотувчиларнинг кунлари ана шундай чакана ўғриликлар билан ўтади. Чўнтагимиздаги тийинларга кўз олайтирган «овчилар»нинг ҳар куни қанчадан-қанчасини учратамиз. Бундай садақа йиғишларга сабр-тоқат қилишга жуда кўникиб кетганмиз. Пулимиздан уришади, торозидан уришади, метрдан уришади, бу ишларни кўз ўнгимизда қилишади. Истиҳола билан тортина-тортина: «камроқ эмасми, бир тортиб кўрмайсизми?», дея илтижо қиламиз. Лекин шу заҳотиёқ қўполликка дуч келамиз. Бундай мулоқотга ҳамма ҳам чидайвермайди.

Сотувчилар ўз магазинларида, савдода ва идораларида нимага ўрганишган бўлса, шундай қилишади. Савдо-сотиқ муҳитининг ўзи алдамчиликка, сурбетликка олиб келади. Бунинг устига санитария қонун-қоидалари бузилишини айтмайсизми?

Келинг, ўша биз айтган кўчадаги савдо шоҳобчасига яна бир назар ташлайлик. Столнинг аҳволига қараб бўлмайди: ифлос, стол торозининг мили ўз эгасининг нигоҳи тушиши билан таққа тўхтайди, мева тўла яшиклар қалашиб ётибди. Унинг ёнида эса бўшаганлари. Ахлат тўпланиб қолган, ариқда ифлос сув оқмоқда... Маҳсулотни тортиш усули ҳақида алоҳида гапириб ўтмоқчимиз. Меваларни занглаган тоғорачага солиб тортиб беришади. Лекин ана шу тоғорачанинг оғирлиги қанча келаркин? Буни ҳеч ким суриштирмайди ҳам... Биз комбинатдан келган ўртоқлар билан уч нафар сотувчининг қўлида гир-гир айланаётган учта тоғорачани олиб, тортиб кўрдик. Натижа уч хил бўлди: 750, 850, 950 грамм. Сотувчилар эса уларни 500—600 граммга ўтказишар экан.

Чўнтакларимиздан бекорга тийинлар чиқиб кетаётганлигининг, пулларимиз баракаси учиб кетаётганлигининг сабабларидан бири шу эмасмикин? Лекин бу тийинлар қаерга кетяпти, кимнинг чўнтагига? Бирор далил-исбот келтирмоқчи эмасман. Сотувчилардан бошқа ҳеч кимни қўлидан ушлаб олганим йўқ. Лекин савдо идоралари бошлиқлари қўли нопок сотувчиларга шу даражада енгил шароит яратиб берганлигининг сабаби нимада? Ахир, ярим асрдан бери харидорлар ва иқтисодчи олимлар стандарт идишлар ҳақида гапириб келишади. Ана шу идишларга унинг оғирлиги йирик рақамлар билан ёзиб қўйилмоғи лозим. Хоҳиш бўлса бас, уни тайёрлаш жуда осон. Хоҳиш, энг аввало, савдони ташкил қилувчиларда ва назоратчиларда пайдо бўлса нур устига аъло нур бўлур эди.

Азиз ўқувчим, боғлар ва полизларда етиштирилган ширин-шакар меваларни сотишга алоқадор бўлган кишиларни сизларга таништирмоқчи эдим. Лекин улар буни хоҳлашмади... Куйбишев кўчасидаги мева-сабзавот сотаётган савдо шохобчаларининг бирортасида сотувчининг исми-шарифи, магазин номери, савдо корхонасининг номи ёзиб қўйилмаган.

Аммо, уларнинг ҳаммасини аниқладик, деб тасаввур қилайлик. Эҳтимол, айбдорлар жазоланишига эришармиз. Улар аслида айблари учун эмас, қўлга тушганликлари учун жазоланадилар. Ҳамза район комбинати раҳбарлари уларни бу ерга таклиф қилгунимизга қадар ўз дўкончиларини кўрмаганмилар, сотувчиларнинг ишларини кузатмаганмилар? Ифлос ерда одамлар билан қўпол муомалада бўлиб, очкўзларча савдо қилишнинг негизи қаерда экан? Уларнинг ўз ҳомийлари ким?

Бўшатилган сотувчи ўрнига бошқаси, қўшни кўчадаги савдо шаҳобчасидан бўшатилган киши келади. Бунинг устига аҳвол эски ҳаммом, эски тослигича қолаверади. Яна ўша ифлосгарчилик, яна ўша қўполлик, яна ўша алдамчилик.

Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ шарҳловчиси.

# Планга қўшимча

▲ «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Д. Фаёзов бошлиқ йиғувчи дурадгорлар бригадаси ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин якунлашга аҳд қилган.

Социалистик мусобақада фахрли ўринларни эгаллаб келаётган бригада коллективи зарбдор суръат билан юксак маромда ишлаяпти. Ягона нарядда ишлаётган, маҳсулотнинг ҳаммасини биринчи тақдимдаёқ сифатли топшираётган бригада коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йилини Конституция кунигача бажаришга интилмоқда.

Илғорлар смена топшириқларини мунтазам 115—120 процент бажариб, планга қўшимча 16 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб беришаяпти.

Д. ОБЛАЕВ.

# ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

## Телетайп лентасидан

ВАРШАВА. Варшаванинг Нови—Свят кўчасидаги халқаро матбуот ва китоблар клубида Совет Иттифоқининг «Изобразительное искусство» нашриёти босмадан чиқарган откриткалар кўргазмаси очилди. Нашриёт чиқараётган рус ва совет тасвирий санъат усталари асарларининг репродукциялари тасвирланган бадиий альбомлар ва откриткалар, шунингдек, чет эл санъатининг СССР музейлари ва картиналар галереяларида сақланаётган коллекцияларидаги расмлар Польшада томошабинларга манзур бўлмоқда. Нашриёт кўп йиллардан бери Польшанинг «Аркади» ва КАВ (умумпольша нашриёт агентлиги) нашриётлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

МЕХИКО. Испаниялик ва мексикалик кинематографиячилардан бир группаси Мексика ва Перудаги қадимий индеец цивилизацияси ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмни суратга олишга киришди. Лойиҳа муаллифи, машҳур испан режиссёри Фернандо Хименес Дельосо журналистлар билан суҳбатда фильмни суратга олиш учун операторлар ҳар иккала мамлакатдаги 39 та археологик зонадан фойдаланадилар, деди. Ана шу зоналар орасида жаҳонга машҳур ацтеклар ва тольтеклар шаҳри Теотиуақан, Мексикадаги Тула ва Перудаги Мачупикчу, Наска, Тиаунаско шаҳарлари бор. 26 та серия суратга олиб бўлинганидан кейин фильм видеокассеталарда кўпайтирилади ва уни 50 та мамлакатда кўрсатиш мўлжалланмоқда.

Испаниялик режиссёр янги картина ер куррасидаги миллион-миллион томошабинлар Америка қитъасидаги индеец халқларининг маданияти, турмуши ва урф-одатлари билан яқиндан танишишга ёрдам беради, деб ишонч билдирди. Бу халқлар истилочилар келгунга қадар цивилизациянинг энг юксак чўққиларини эгаллаган эдилар.

КАЛЕЙДОСКОП

### ПОЛИЦИЯДАГИ «ЧИЧИКОВ»

Американинг Лунсвилл шаҳри (Кентукки штати) полициясида ўн етти йил хизмат қилган М. Крист ўз ҳамкасбларидан ҳеч фарқ қилмас эди. Ҳамкасблари қатори у ҳам ҳаракат қоидаларини бузганлар ушланганлиги ҳақидаги протоколларни мунтазам топшириб келарди.

Тартиб посбони Н. В. Гоголнинг «Ўлик жонлар»идан хабардор бўлганми-йўқми — айтиш қийин, аммо унинг Чичиков ғоясидан фойдаланиб келганлиги яқинда маълум бўлиб қолди. У ҳақиқий тартиб бузувчиларни ушлашга уринмай, мавҳум гражданларга жарима солиш билан шуғулланиб келган экан. Кўзбўямачилик механизми жуда содда экан: у навбатдаги «ўлик жон»га жаримани расмийлаштириб, квитанциянинг иккинчи нусхасини полиция участкасига жўнатар, асл нусхасини эса ташлаб юборар экан.

Кўзбўямачилик полиция штатида жарима тўлашдан бўйин товлаётган тартиб бузувчиларни ҳисоблаш системаси жорий этилгач очилиб қолибди. Маълум бўлишича, кўзбўямачи полициячи 1981 йилдан бери мингдан зиёд соҳта протоколларни расмийлаштирган экан.

